

ИСЛОМ ДИНИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲАҚИДАГИ ФИКР ВА ҒОЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-курс 314-гурух курсанти
Ж.П.Ахматов

Аннотация: Мақолада ислом дини пайдо бўлгунга қадар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида фикр ва ғоялар ўларнинг аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек Ислам дини пайдо бўлгандан кейинги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида фикр ва ғоялар ва Ислам динида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги фикр ва ғояларнинг профилактика инспектори томонидан қўллаш маҳорати ва ушбу фаолиятда ҳамкорлик ҳамда амалиётдаги муаммо ва камчиликлар ўрганилган.

Таянч сўзлар: дин, ҳуқуқбузарлик, фикр ва ғоялар, жинойatchилик сабаблари назариялари, ижтимоий йўналиш назарияси, ижтимоий-психологик йўналиш назарияси, психологик йўналиш назарияси, ижтимоий-биологик йўналиш назарияси.

Аннотация. В статье мысли и представления о предупреждении преступлений до появления Ислама, их значение, особенности, а также мысли и представления о предупреждении преступлений после появления Ислама, а также навыки применения инспекторами профилактики мыслей. Изучены идеи о предотвращении преступлений в исламе и сотрудничестве в этой деятельности, а также проблемы и недостатки на практике.

Ключевые слова: религия, преступность, мысли и идеи, теории причин преступности, теория социальной ориентации, теория социально-психологической ориентации, теория психологической ориентации, теория социально-биологической ориентации.

Annotation. In the article, the prevention of crimes before the advent of Islam, their meaning, characteristics, as well as thoughts and ideas about the prevention of crimes after the introduction of Islam, as well as the opinion and skill of inspectors in using preventive tools. considerations have taken place. from thoughts. The ideas, problems and shortcomings in practice regarding the prevention of crimes in Islam and cooperation in this regard were studied.

Key words: religion, crime, thoughts and ideas, theories of the causes of crime, social orientation theory, socio-psychological orientation theory, psychological orientation theory, socio-biological orientation theory

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ҳақидаги таълимотлар деганда илк давлатлар пайдо бўлган вақтдан то бугунга қадар инсонларни ёмон ишларни қилишининг олдини олишга қаратилган фикрлар, қарашлар ва ғояларнинг йиғиндиси тушунилади. Қадимдан ҳар бир давлатда жамият аъзоларининг ўз менталитети, турмуш тарзи, урф-одати ўзгача бўлиб, шулардан келиб чиқиб турлича ғоялар ва қарашлар пайдо бўлган. Кўпинча ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги

таълимотлар замонасининг олим ва файласуфларининг ёзган асарларида намоён бўлган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг ривожланиш босқичларини даврларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги даврларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи давр, қадимги давр бўлиб, бу даврда одамлар ўзлари яратган ахлоқ нормалари амал қилган. Тарихшунос олим А.Н. Нарбековнинг “Тарихий манбаларга кўра инсоният ҳозирги ҳолатга эга бўлиши учун бир неча миллион йиллик тадрижий ривожланиш даврларидан ўтган. Бу жараён бир қатор босқич-ларга бўлинади. Милоддан аввалги 40 – 35 минг йилликларда «Хомо хабилис» (ишбилармон одам) ўрнини «Хомо сапиенс» (онгли одам) эгаллаган. «Хомо сапиенс»нинг дастлабки вакили «кроманьон одам» аждодларидан жисмоний тузилиши, физиологик ва руҳий имкониятлари билан кескин фарқ қилган. Шу даврдан бошлаб маданиятнинг муҳим элементлари тил орқали мулоқот қилиш, қонқардошлик алоқалари, ўзаро муносабатларни ахлоқ нормалари асосида тартибга солиш сингари маданият элементлари вужудга келган. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ва у билан боғлиқ қарашларнинг вужудга келиши кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан бирга, шунингдек, содир этилган қилмишнинг ёмон (жиноят) эканлиги, унга қарши туриш ёки курашиш лозимлиги тўғрисидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, айрим манбаларда қадимги (ибтидоий) даврда, яъни ҳозирги мамлакатимиз ҳудудида турли қабилалар жамоа бўлиб яшаган вақтларда ижтимоий муносабатлар ёзилмаган одат нормалари асосида тартибга солинганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд. Одат нормаларига кўра ёмон иш – бу ҳозирги кундаги қонунларда ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилаётган ва содир этилганлиги учун маъмурий, жиноий жазо назарда тутилган қилмиш бўлиб, уни содир этган одамлар одатга кўра жазоланган. Барчамизга маълумки, содир этилган ҳар қандай турдаги ёмон (жиноят) иш оқибатида, албатта кимдир моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўради. Бу эса, ўз навбатида, бундай турдаги қилмишларнинг кимдир жабрланувчисига айланишини билдиради. Шу нуқтаи назардан қадимги манбаларда содир этилган ёмон қилмишни жиноят деб қарайдиган бўлсак, унга нисбатан кўриладиган чора бу жазо бўлиб, оғирроқ турдаги жиноят содир этган одамларга эса ибтидоий тўдадан ажратиб қўйиш каби ўша даврдаги қаттиқ жазо чоралари қўлланилганлигига шакшубҳа йўқ. Ёмон (жиноий) қилмиш содир этган шахсга нисбатан тайинланган жазолар одамларни ахлоқан тузатиш, уларнинг қилмишларни содир этиш-ларига тўсқинлик қилиш, шунингдек, улар томонидан қилмиш (жиноят) содир этилишининг олдини олишга хизмат қилган. Бундан мазкур одат нормалари ўз навбатида ибтидоий қабила аъзоларини шахснинг ҳаёти ва соғлиғига, қабила ва шахсий мулкка қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси вазифасини ҳам бажарган десак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, шахсларнинг муайян ғайри-одатий қилмиш ва жиноий тажовузлардан жабрланишининг олдини олишга хизмат қилган деган хулоса қилиш мантиқан тўғридир. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси билан боғлиқ муносабатларни одат нормаларида ўз аксини топган деган эҳтимолни

илгари суришга асос бўлади. Бирок ўша даврдаги одамларда жинойт-нинг содир этилишида жинойтчи билан жабрланувчиларнинг ўзаро алоқадорлиги, жабрланувчининг жинойт содир этилишида тутган ўрни, шахснинг жинойт қурбони бўлишини олдини олиш чора-тадбирлари хусусидаги назариялар ёки бошқачароқ қарашлар кузатилмайди.

Иккинчи давр, илк давлатлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб то IX асрларгача, бу даврда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган қадимги илк кулдорлик давлатлари Кушонлар, Хоразм, Довон давлатлари давридан Ўрта Осиёга форслар, юнон-македонлар, араблар босқини даврларини ўз ичига олиб, у даврда “Авесто” китобининг яратилиши ва мусулмонларнинг нозил бўлган муқаддас ва улуғ китоби “Қуръони карим” каби манбаларида асосий таълимотлари яратилди. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” бўлиб, айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ва айрим манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у нафақат тарихий манба, балки ўз даврининг турли муносабатларини, жумладан, табиат, жамият ва инсон ўрта-сидаги муносабатларни тартибга солган қадимги ва дастлабки ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири бўлган. Мазкур ҳуқуқий манбада ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ва у билан боғлиқ аниқ тушунчалар ёки қоидалар берилмаган бўлса-да, мазмунан ўзида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид хусусан, виктимологик хусусиятларни акс эттирувчи қоидаларни ку-затиш мумкин.

Учинчи давр, IX (илк уйғониш даври) – XIX асрларни ўз ичига олади ва бу даврда Араб босқинидан кейинги Ўзбекистон ҳудудидаги мустақил давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразм давлатлари, муғуллар ҳукмронлиги, Темурий-лар, Шайбонийлар, Аштархонийлар давлатлари ҳамда Хива, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳукмронлик қилган даврлардаги таълимотлар билан белгиланади.

Барчамизга маълумки, VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида Арабистон ярим оролида юз берган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар натижасида муқаддас динимиз ҳисобланган Ислом дини пайдо бўлди. VIII асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиёга, жумладан мамлакатимиз ҳудудларига ислом динининг кириб келиши ва кенг ёйилиши натижасида янги мусулмон ҳуқуқи қоидалари шаклланди. Фикҳ ва шариат эса ҳозирги замонгача энг йирик ҳуқуқ тизимларидан бири сифатида сақланиб келган қонун-қоидалар мажмуи ҳисоб-ланади. Мазкур диннинг бошқа динлардан энг асосий фарқли томони шундаки, унга кўра яқка ҳудулик тарғиб қилинган, шунингдек, мусулмонларнинг фақат ёлғиз Оллоҳга эътиқод қилишга даъват этган. Ислом дини барча динлар каби одамларни яхши ва эзгу ишлар қилишга чорлаган, шунингдек, ёмон ишлар, яъни гуноҳ ишлардан тийилишга чақирган. Шу билан бир қаторда ёмон ишлар қилган шахсларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилган. Исломда барча муносабатлар шариат қонун-қоидалари асосида тартибга солинган бўлиб, унинг асосий манбаи муқаддас китоб Қуръони каримдир. Дарҳақиқат, Амир Темур ўз давлатида суд-ҳуқуқ масалаларига жиддий эътибор қаратган давлат арбобларидан биридир. Хусусан, “Темур тузуклари”га кўра қозилар асосланган ҳукм ва қарорлар чиқариши зарур бўлган. Шу билан бир қаторда Темур давлатида адолат девони деб аталувчи алоҳида

муассаса фаолият юритиши йўл-га қўйилган бўлиб, у асосан давлатга қарши жиноятлар, бошқариш тартибига қарши жиноятлар ва мансабдорлик жиноятларини кўриб чиқиб, тегишли жазо тайинлаган. Дарҳақиқат, жазонинг муқаррар-лигини таъминланганлиги, келгусида муайян даражада жиноятлар ва кўнгилсиз ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилган. Жаҳон динлари (буддавийлик, христианлик, ислом) диннинг шундай бир кўринишики бу динлар ўзлари пайдо бўлган худуддагина амал қилиб қолмай, ер юзининг бошқа худудларида ҳам ўзларига эътиқод қилувчиларни вужудга келтира олган динлардир. Бу динлар ўз эътиқодчиларининг миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жойи каби хусусиятларини ҳисобга олмайдиган динлардир. Бинобарин, кишилар миллати, ирқи, тили, туғилган жойи, қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъий назар, бу динларни қабул қилишлари мумкин. Миллий динлар (иудаизм, хиндуийлик, синтоизм, конфуцийлик ва бошқалар) элатларнинг, кейин эса миллатларнинг шаклланиш жараёнини акс эттирган. Бу динлар ўзлари пайдо бўлган худуддаги одамларнинг (элат, миллатларнинг) ўз миллатларига, давлатларига сиғинишни ифодаловчи динлар эди. Миллий динлар намоёндалари мазкур этноснинг вакилидир. Бу динларга одамларнинг одатдаги хатти-харакатларини диний маросимга айлантириш, ўзига хос иримчилик, бошқа диндаги кишилар билан муомала қилишни қийинлаштирадиган диний таъқиқларнинг қатъий тизими хосдир. Жаҳон динларига прозелитизм (юнонча-келгинди), яъни бошқа диний эътиқоддаги одамларни ўз динига киритишга уриниш учун фаол тарғиботчилик хусусияти хосдир. Шунинг учун ҳам бугун бошқа динга эътиқод қилаётган шахслар эртага (агар хоҳласа, албатта) истаган жаҳон динини қабул қилиши мумкин. Жаҳон динлари пайдо бўлиши билан эндиликда халқлар ҳаётида муҳим ҳодиса бир диндаги турли халқларнинг яқинлашуви жараёни ҳам рўй бера бошлади. Биз юқорида санаб ўтган учта жаҳон дини ҳам жамият тараққиётидаги буюк тарихий бурилишлар даврида, бир ижтимоий-қисодий формациядан иккинчисига ўтиш, ягона марказлашган давлатларга бирлашиш, жаҳон империялари таркиб топган пайтларда, яъни жаҳон империяси учун жаҳон дини яратиш эҳтиёжи туғилган пайтда пайдо бўлган. Уч жаҳон дини ичида биринчи пайдо бўлган дин Буддавийлик дини эди. У миллоддан аввалги VI асрда Хиндистонда вужудга келди. Милоднинг бошларида Христианлик дини, миллоднинг VII асрида Ислом дини пайдо бўлди. Буддавийликнинг асосчиси миллоддан аввалги I-минг йилликда яшаган Будда ҳисобланган. У тарихий шахс бўлиб, 80 йил яшаган. Унинг хусусида турли ривоятлар мавжуд. Унинг номи ҳинд тилида нурланган, олий ҳақиқатга эришган деган маънони англатади. Ривоятларга қараганда, кенг маънода кўп марта илоҳий туғилишлар туфайли мутлоқ баркамолликка эришган, бошқаларга ҳам диний нажот йўлини кўрсата оладиган одам бўлган. Тарихий манбаларнинг далолат беришича буддийликнинг асосчиси шахзода Сидхартхадир. У вафот этгандан сўнг Будда - “ҳақиқатга эришган” деб аталган; у ушбу олий мақсадга эришиш учун Гаутама уруғидан бўлган енг обрўли Шакья қабиласини танлаган; ана шундан бу диний ривоятда Будда Гаутама номи кенг тарқалган. Диний ривоятларга кўра Гаутама ҳинд қабиласи ҳукмдорларидан бирининг ўғли бўлиб, у бефарзанд бўлган; аммо унинг хотини ғойибдан ҳомиладор бўлиб, 45 ёшида ўғил туққан; бола туғилганда мўжиза юз

берган: табиий ҳодисалар - ер кимирлаб, чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбирлаб турган; унинг овозини Коинотдаги илоҳий кучлардан ташқари барча тирик мавжудодлар ҳам эшитиб турганлар; чақалоққа Сидхартха (топширикни бажарувчи) деб ном қўйганлар; У 7 кундан кейин юриб кетган ва гапира бошлаган. Сидхартханинг отаси ўғлини дин йўлига бағишлашга рози бўлмай, унга яхши маълумот берган ҳамда яхши шароитларда тарбиялаган ва у ҳеч қандай қийинчилик кўрмай ўсган; ўспиринлигидаёқ ўзининг донолиги, кучлилиги ва эпчиллиги билан ҳаммани ҳайратга солар экан. У бир чолга дуч келган, касал ётган кишини, ўликни кўргандан сўнг ҳаётнинг моҳияти, мақсади, оғирликлари, касаллик ва ўлим ҳақида ўйлай бошлаган. Бинобарин, ҳаётнинг беҳудалигини англаб, тарки дунё қилган, дарвеш йўлига кирган; бу билан у гўё кишилар бошига тушадиган кулфатлар, азоб-укубатлар сабабларининг моҳиятига тезроқ йетиб, улардан қутулиш йўлини топмоқчи бўлган.

Ҳаммамизга яхши аёнки, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида динимиз равнақи йўлида беқиёс хизмат қилган буюк азиз-авлиёлар, аллома зотлар хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуалари, илмий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг қошида ислом динининг алоҳида йўналишлари бўйича илм олишга, мутахассис бўлишга тайёрлаб борадиган илмий мактаблар ташкил этилса, масалан, Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиновий илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби,

Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабини ташкил этилса, ўйлайманки, бу жуда фойдали бўлади

ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т.: Адолат, 1998.
3. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Т. Ўзбекистон, 2004. 5сон.
4. Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 9-сон.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиети ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т. «Ўзбекистон», 2017.–48

6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв.

7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

8. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

10. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Ҳалқ сўзи. – 2017. – 23 дек.

11. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Ҳалқ сўзи. 2018. – 13 янв.

II. Қўшимча адабиётлар:

1. Абдуллажонов.О Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: Академия, 2000.

2. Азимов.А. Религиозный экстримизм и фундаментализм. - Т.: 1998.

3. Б.А.Матлюбов. Янгича ва мустақил фикрлайдиган малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида // Постда. № 12. 17- март 2018 й. Б. – 4-5.

4. Жўраев.Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.

5. Исмаилов.И.Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш:Юрид. фан. Док дис.Т. 2006.

6. Ислон. Энциклопедия.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

7. Раджапова.М. экстримизм ва террорчилик. - Т.: 2000.

8. Саидов.А.Х. Религиозная толерантность исветское государств

Узбекистане. – Т.: 2002.

9. Турсунов.А, Нурназаров.Р. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги ва уни таъминлашнинг қонуний асослари. – Т.: Тошкент, 2004.

10. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

11. Экстримизм, терроризм, гуруҳий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. // Илмий- амалий анжуман материаллари. - Т.: 1999.

12. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004.

13. И. Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти // Дарслик. – Т.: 2015. 14. У.Таджиханов. Юридик энциклопедия. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 644.

15. Антонов.И.П., Алферов.Л.М. Полиция Германии: История и современность: учебное пособие. – М., 2000.

16. Матлюбов В.А. Терроризм ва экстримизмга қарши курашиш: муаммо ва ечимлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018

17. Б.А. Матлюбов масъул муҳаррир. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ // Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018.